Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг давлат беш йиллик плани, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги давлат плани тўғрисидаги, СССРнинг 1977 йилги давлат бюджети ҳақидаги ва СССРнинг 1975 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилишни 1976 йил 26 октябрда давом эттирди.

Ана шу масалалар юзасидан музокараларда КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Оренбург область комитетининг биринчи секретари А. В. Коваленко, Ростов областидаги «Золотаревский» совхози маккажўхорикорлик звеносининг бошлиғи Р. Ф. Горожаева, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғапуров, СССР рангли металлургия министри П. Ф. Ломако, Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. Моргун, СССР қишлоқ хўжалиги министри В. К. Месяц, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг раиси Г. И. Марчук, В. А. Малишев номли Харьков транспорт машинасозлиги заводининг токари Г. Л. Михайлов, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс, асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министри К. Н. Руднев сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Бу қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ташкилий масалаларни қараб чиқди:

Пленум ўртоқ Я. П. Рябовни КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

Пленум В. А. Карлов, К. Н. Беляк, Ф. Т. Моргун ўртоқларни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан КПСС Марказий Комитетининг аъзолигига ўтказди.

Шу билан Марказий Комитет Пленуми ўз ишини тамомлади.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 250 (3145)
27 ЧОРШАНБА ОКТЯБРЬ 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетида

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

1976 ЙИЛНИНГ УЧИНЧИ КВАРТАЛИДА ШАҲАРДАГИ РАЙОНЛАР, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНИ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар партия комитети бюроси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитети ўнинчи беш йиллиқнинг биринчи йили учинчи кварталида шаҳардаги районлар, саноат корхоналари, қурилиш-монтаж ташкилотлари, транспорт, алоқа ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитети районлараро социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байрок Ҳамза районига (район партия комитетининг секретари Т. Э. Эргашев, район ижроия комитетининг раиси Д. Ш. Шахбозов, район комсомол комитетининг секретари Х. Шонеъматов) берилди. Мазкур район ўтган йил шу давр билан солиштирганда ишлаб чиқариш ҳажмини 112,6 процент ўсишини таъминлаб, юксалишнинг 93 процентига меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига эришди ва учинчи квартал учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг ошириб бажарилишини таъминлади.

Фрунзе район саноат корхоналари коллективларининг социалистик мажбуриятларини бажариш бўйича яхши ишлаганликлари таъкидланди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитети машинасозлик, электротехника саноати корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байрок «Компрессор» заводи (директори Н. С. Новаченко, партком секретари Н. А. Олтибоев, касаба союз комитети раиси А. В. Кучиренко, комсомол комитети секретари В. А. Савинков) коллективига берилди. Бу корхона маҳсулот реализация қилиш бўйича квартал планини 106,4 процент бажариб, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига эришди, барча социалистик мажбуриятларининг ошириб бажарилишини таъминлади.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитети районлараро социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байрок Ҳамза районига (район партия комитетининг секретари Т. Э. Эргашев, район ижроия комитетининг раиси Д. Ш. Шахбозов, район комсомол комитетининг секретари Х. Шонеъматов) берилди. Мазкур район ўтган йил шу давр билан солиштирганда ишлаб чиқариш ҳажмини 112,6 процент ўсишини таъминлаб, юксалишнинг 93 процентига меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига эришди ва учинчи квартал учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг ошириб бажарилишини таъминлади.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитети транспорт, алоқа ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байрок Ҳамза районига (директори В. А. Исмоилов, партия ташкилотининг секретари Т. Н. Ғуломов, касаба союз комитети раиси Т. А. Одинцова, комсомол ташкилотининг секретари В. А. Хорсеев) коллективига берилди. Бу комбинат юк обороти бўйича учинчи квартал планини 109,1 процент, меҳнат унумдорлиги планини 107,2 процент, фойда олиш планини 280 процент адо этиб, социалистик мажбуриятларининг ортиғи билан бажарилишини таъминлади.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитети қурилиш-монтаж ташкилотлари, созлашишга тушириш бошқармалари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байрок «Главташкентстрой»нинг 153-қурилиш трести (бошқарувчиси Э. Р. Шоҳназаров, партком секретари А. В. Бугатов, касаба союз комитети раиси Р. Х. Ҳикматуллаев, комсомол комитетининг секретари Н. В. Панчеха) коллективига берилди. Бу трест учинчи кварталда пудрат ишлари планини 104,0 процент, шу жумладан ўз кучлари билан бажарилдиган ишлар планини 106,0 процент адо этди, меҳнат унумдорлигини ўстириш планининг бажарилишини таъминлади, қабул қилган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этди.

Шаҳар «Ҳурмат тахтаси»га шаҳардаги 37 саноат, транспорт ва алоқа корхонаси, 17 қурилиш-монтаж ташкилоти, қурилиш материаллари саноати корхонаси ёзилди.

Йиллик планни бажаришди

Бугун

6-таксомотор парки шофёрларидан 60 киши йиллик планни бажарганлиги ҳақида ғалаба рапортига имзо чекди.

Бундай юқори нўрсатгичга шофёрлардан З. Бойматов, С. Фахриддинов, И. Файзихўжаев, М. Мясников, Т. Тошхўжаев, И. Жўраев каби пешқадамлар эришдилар. Бу уччала экипаж аъзоларига «Актив хизмат кафолати», унвони берилди.

Корхона коллективи ўн ойлик планни 23 октябрда бажариб, бугунги кунда мажбурият ҳисобига ишламоқда.

Ғолиблар сафида

З-автобус парки меҳнаткашлари Улуғ Октябрь байрамини меҳнатда улкан зафарлар билан кутиб олмоқда. Шофёрлардан З. Юсупов, И. Исмоилов, Т. Миржалолов ва бошқалар бугунги кунда 1977 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Корхонада ҳозир 80 шофёр йиллик планни бажарганлиги ҳақида ғалаба рапортига имзо чекди. Уларнинг ҳаммаси 31 октябь куни иттифоқимизда биринчи бор нишонланадиган Автотранспортчилар кунини меҳнатда улкан ютуқлар билан кутиб оладилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ «1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Давлат беш йиллик плани, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани ва СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети лойиҳалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори эълон қилинган.

▲ 26 октябрда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов шу комиссиянинг иши тўғрисида ахборот берди.

Мажлисда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг 1977 йил учун тузилган иш плани қараб чиқилиб, тасдиқланди.

▲ 26 октябрда Кремлда Н. В. Подгорний раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди.

Президиум СССР Олий Совети бешинчи сессиясининг рўзномаси ва иш тартиби тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди ва тегишли қарор қабул қилди.

5.300.000 тонна «оқ олтин» учун МУРОЖААТИ

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ ВА ИККИНЧИ ИНДУСТРИАЛ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ БАРЧА ТОШКЕНТЛИК СТУДЕНТЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАРГА

Мирзачўл меҳнаткашлари бу йил мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Ўзбекистоннинг 5 миллион 300 минг тонна пахтаси учун бораётган курашнинг якунловчи палласида қишлоқ аҳлига ёрдам беришдек ватанпарварлик туйғуси билан суғорилган Тошкент олий ўқув юртлари студентлари, техникумлари ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари Жиззах ва Сирдарё областларининг совхозларига йўл олдилар. Шу кунларда ўқув юртлари коллективлари ўртасида социалистик мусобақа кенг қулоч ёзган. Тошкент халқ хўжалиги институти студентлари ва иккинчи индустриал-педагогика техникуми ўқувчилари ана шу мусобақада актив қатнашиш билан бирга ҳар бир студент ҳар куни камида 70 килограммдан, ҳар бир ўқувчи бир кунда камида 60 килограммдан пахта териш тўғрисида зиммамизга мажбурият олдик. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 59 йиллиги шарафига далани тўла тозалаган ҳолда халқ хўжалиги институтининг ҳар бир студенти 1750 килограммдан, иккинчи индустриал-педагогика техникумининг ҳар бир ўқувчиси эса 1500 килограммдан қимматли хом ашё соф пахта терадилар.

Жиззах ва Сирдарё областлари совхозлари меҳнаткашларига кўрсатиладиган ёрдамнинг муҳимлигини тўла ҳис этган, бажараётган ишларимизнинг муҳимлигини аъло тушунган ҳолда, барча тошкентлик студентлар ва ўқувчиларни Мирзачўлнинг пахтазорларида астойдил, зарбдорчасига меҳнат қилишга чақирамиз. Биз ёш тошкентликларни пахта терими бўйича зиммаларига аниқ мажбуриятлар қабул қилишга ва юксак ташкилотчилик, интизом, жамоат тартибини таъминлашга чақирамиз.

Тошкентлик студентлар ва ўқувчиларнинг катта авлоди ўзларининг ажойиб меҳнатлари билан Мирзачўлни ўзлаштирувчиларнинг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлишган. Ўзбекистон пахтаси учун бугунги кунда бораётган курашнинг олдинги сафида биз уларнинг ўрнини эгалладик. Ўзимизнинг меҳнатимиз билан тошкентлик комсомоллар ва ёшларнинг шонли меҳнат анъаналарини эзозлаймиз! Сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмасин. Бизнинг ватанпарварлик бурчимиз — республиканинг пахта тайёрлаш бўйича юксак социалистик мажбурияти муваффақиятли бажарилиши учун барча куч ва ғайратимизни сафарбар этишдан иборат.

Илғорларга байроқлар

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг пахта теримидаги штаби «Голодностепьстрой» вакиллари Жиззах ва Сирдарё областларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда тайёрлаш бошқармалари билан ҳамкорлиқда тошкентлик студент ва ўқувчиларнинг Мирзачўл совхозлари пахта далаларида дастлабки кунлари олиб борган ишларининг натижаларини якунлади.

Шаҳар штаби ва «Голодностепстрой»нинг кўчма Қизил байроғи Тошкент медицина институтининг коллективига берилди. Мойлик студентлар Жиззах областининг Пахтакор районидаги совхозларда икки минг тоннадан зиёд пахта тердилар. Ҳар бир студентнинг бир кунда терган ўртача пахтаси институт бўйича 90 килограммдан ошмоқда. «Голодностепьстрой» зонаси бўйича педагогика, медицина фармакологияси, алоқа институтлари ва 149, 95, 127-ҳунар-техника билим юртларининг коллективлари ҳам зарбдор меҳнатлари учун байроқлар билан тақдирландилар.

Шаҳар штаби ва Сирдарё области қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш бошқармаларининг кўчма Қизил байроқлари минг тоннадан зиёд пахта терган Тошкент Давлат университети, Тошкент Автомобиль йўл институти студентларига, Социал-таъминот министрлигининг билим юртлари ҳамда 128, 11, 22-ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига берилди.

Халқ хўжалиги институтининг студентлари ҳашарнинг дастлабки кунларида хирмонга қарийб минг тонна пахта тўкишди. Улар ана шу муваффаниятлари учун шаҳар штаби ва Жиззах области қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш бошқармасининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирландилар. Иккинчи индустриал-педагогика техникуми ўқувчилари ҳам ана шундай мукофотга сазовор бўлдилар.

СЎЗ—МИРЗАЧЎЛЛИКЛАРГА

«КАТТА РАҲМАТ!»

У. АМАЛОВ,
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИНИНГ ПАХТАКОР РАЙОНИДАГИ 28-СОВХОЗ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ СЕКРЕТАРИ

Совхозимизнинг дала майдони беш минг гектар қўриқ ерни эгаллаган. Ана шу майдондаги ҳосилнинг бир чанғини ҳам қолдирмасдан йиғиштириб олиш осон иш эмас. Бу ҳайрли ишда Тошкент медицина институтининг студентлари катта ёрдам кўрсатишмоқда. Улар мана тўрт йилдирки бизнинг хўжалигимизга оталик қилишяпти.

Бизнинг совхозимизга бу йил Тошкент медицина институтининг биринчи даволаш факультети биркитилган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, факультет йигит ва қизлари интизомли ва меҳнатсевар экан. Улар совхоз хирмонига ҳар куни 70 тонна ва ундан ошириб пахта топширишмоқда. Студентларнинг ғайрати ва шижоати билан ҳозиргача минг тоннадан зиёд «оқ олтин» терилди. Биз ана шундай ҳиммат учун «Катта раҳмат» деймиз.

Студентлар пахта даласида аъло даражада ишлаш билан кифояланиб қолмайтирлар. Улар совхознинг ўзида бир қатор хайрли ишларни бажаришди. Студентлар хўжалигимизнинг поликлиника ва касалхонасида беморларни кабул қилишни ташкил этишда медицина ходимларимизга ёрдамлашишмоқда. ТошМИ мутахассислари совхоз ишчиларига соғлиқни сақлашнинг турли масалалари бўйича маслаҳатлар беришмоқда, лекциялар ўқишяпти, суҳбатлар ўтказишмоқда. Тошкент медицина институтининг яқиндан берган ёрдами туфайли поликлиникамизда рентген, стоматология, гинекология ва бошқа кабинетлар очилганлиги учун биз улардан миннатдормиз.

Бизнинг совхозимиз бу йил давлатга 18 минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олган. Биз, Тошкент медицина институти студентларидек ажойиб ёрдамчиларимиз билан биргаликда ўзимизнинг берган ваъдамизни албатта бажарамиз.

Далага автобусда

Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институтининг ходимларидан ташкил топган бригада Тошкент областининг Чиноз районидаги Энгельс номли колхоз далаларида ҳар куни эрта тонгдан пахта теримига киришади. Институт комсомол ташкилотининг секретари Рашид Бойтуллаев бошчилик қилаётган бу бригада дуруст натижаларга эришмоқда. Шаҳарликлар ҳар куни хирмонга камида ярим тонна «оқ олтин» топширишмоқда. Теримчилардан М. Сулаймонова, М. Кузайбердиева, Ю. Фролова сиғғарлар меҳнатга садоқат намунасини кўрсатмоқдалар.

Институт маъмурияти иш вақтидан самарали фойдаланиш мақсадида бригадага кичик автобус ажратган. Бу машина теримчиларни ҳар куни пахтазорга олиб боради ва кечқурун дала шийпонига олиб келади.



▲ Пахта теримида қатнашаётган Тошкент политехникуми студентлари мана шундай шинам уйларда яшашяпти.

▲ Урта Осиё медицина педиатрия институтининг ҳар бир студенти бир кунда ўрта ҳисобда 70 килограмм соф пахта термоқда. Ҳозир уч мингга яқин бўлажак педиатр Сирдарё областининг Ильич районидаги 6-совхоз пахтазорларида ишламоқда. Студентлар ҳозиргача давлат хирмонига қарийб минг тонна «оқ олтин» топширишди. Биринчи курс студентларидан Солиева, Абдилаева, Отажонов ва Боймуродовлар теримни қизғин олиб боришмоқда.

СУРАТДА: педиатрия институти студентлари пахта теримида.

Келажакни кўзлаб

А. ҒАНИХЎЖАЕВ,
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛ ИНСТИТУТИНИНГ ПРОРЕКТОРИ

ТОШКЕНТ автомобиль йўли институтининг бир ярим мингдан зиёд студенти шу кунларда Сирдарё областининг Ильич районидаги 7-совхоз пахтазорларида меҳнат қилмоқда. Институтимиз коллективи ана шу хўжалик билан азалий дўстлик алоқасини ўрнатган. Шунинг учун ҳам институт студентлари 7-совхоз пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарганлиги тўғрисидаги хушхабарни шодиёна кутиб олдилар. Ана шу меҳнат ғалабасида студентларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Теримнинг дастлабки кунларидаёқ коллективимиз хирмонга 400 тоннадан зиёд пахта тўкди. Студентларимиз ҳаммаси бўлиб совхозга камида 3 минг тонна «оқ олтин» териб беришга аҳд қилганлар. Улар албатта ваъдаларини бажарадилар. Автомобиль йўлчиларнинг бригадалари хўжаликнинг беш бўлинмасида ишламоқда. Ёшларнинг меҳнати юксак самарадорлик, аъло интизом бўлиб қолмоқда.

Учинчи бўлинмага биркитилган Н. Дўстмуҳамедов, ўнинчи бўлинмага биркитилган А. Саркисов бригадалари бугунги кунда пахта тайёрлашда яхши натижаларга эришмоқда. Бу ерда энг яхши теримчилар 120—140 килограммдан ошириб пахта термоқдалар. Дастлабки кунларнинг натижаларига кўра шаҳар штаби ва Сирдарё область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг кўчма Қизил байроғи берилганлиги студентларимизни янги ғайрат билан ишлаётганликларидан далолат беради.

Студентлари и н г зарбдор меҳнати фақатгина ёшларнинг биргина ташаббускор меҳнати билан белгиланмайди. «Оқ олтин» теримни бошлангунга қадар институт маъмурияти совхоз раҳбарлиги билан ҳамкорликда олиб борган катта тайёргарлик ишларининг натижасидир. Ана шу тайёргарлик ишларининг самараси туфайли студентларга яхшигина маиший шароит яратилди. Масалан, хўжалик ўзининг ёрдамчилари учун бу йил 2 мингта янги каровот сотиб олди. Улар барча дала шийпонларидаги сўриларнинг ўрнини эгаллади. Студентлар учун мўлжалланган бинолар барвақт ремонтдан чиқарилди, электрлаштирилди ва яхшилаб жиҳозланди. Уларда ситиш учун керак бўладиган барча ишлар бажарилди.

Совхоз теримда намуна кўрсатган коллектив ва теримчиларни моддий рағбатлантириш тўғрисида ҳам тадбирлар белгиланди. Энг яхши факультет, бригада теримчилар учун мукофотлар таъсис этилган.

Автомобиль йўл институти коллективи ўз навбатида совхоз коллективи билан ўрнатилган дўстлик алоқасининг доим мустаҳкамланиб ва ривожланиб бориши учун барча чораларни кўрмоқда. Бундан бир неча ой муқаддам институт ва совхоз раҳбарлиги 1976—1980 йилларда ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаганлиги ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Шу нарсани қувонч билан айтиб ўтиш мумкинки, бу шартнома «оқ олтин» терими мавсумини ўтказиш билан бирга, институтнинг совхоз билан маданият, спорт, дам олиш соҳасида олиб бораднган ҳамкорлигини ҳам қамраб олган. Шартноманинг пунктлари муваффақиятли бажарилмоқда. Студентлар билан биргаликда келган ўқитувчилар совхоз ишчилари ҳузурида турли темаларда ўнлаб лекциялар ўқишди. Яқинда институт халқ чолғу асбоблари оркестри хўжаликнинг меҳмонларини кутишади. Ҳамкорлик шартномасига мувофиқ олимларимиз пахта ташишни ташкил этишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга доир тавсиянамалар учун маълумотлар тўплашмоқда. Бундан ташқари, институт олимлари совхозда меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган хўжаликнинг истиқболли тараққиёти бўйича социологик тадқиқотлар ўтказишни ўз зиммаларига олдилар.

Институт ва совхоз ўртасида ёзда хўжаликда студент қурилиш отрядининг ишлаши тўғрисида шартнома тузилди. Бу отряд дала шийпонларини ремонт қилиш ва янгиларини қуриш, уларга борадиган йўллар, кўприкларни тиклаш сингари ишларни бажаради.

Юқорида келтирилган мисоллар қишлоқ аҳлига кўрсатиладиган оталиқ ёрдами яхши дўстлик ва мустаҳкам алоқа асосига қурилганлигидан далолат беради.

Бошланғич партия ташкилотларида

МАСТЕРНИНГ ШАХСИЙ НАМУНАСИ

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида кунлик нормасини бажаролмаётганлар сони сўнгги ойларда 20 процент камайди. Бу қувончли натижа. Катта мастер Е. Субботин янгийўллиқларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббусига биринчилар қатори қўшилиб, меҳнатда намуна кўрсатмоқда. Ҳозир Е. Субботин бошлаб берган ташаббусга корхонанинг 900 бригадаси, участка ва группаси қўшилди.

Яқинда бирлашма партия комитети бюроси мажлисида ана шу фактлар келтирилди. Унда мастерларнинг меҳнатни ташкил этишдаги ва ишчиларни тарбиялашдаги роли ва масъулиятини ошириш масаласи муҳокама қилинди. Унда мастер А. Баленко номи ҳам қайд этилди. У деталь ва узеллар тайёрлашга сарфланадиган меҳнатни анча камайтиришга эришмоқда. Мастерларнинг иҳтиёридан минглаб самолётсозлар бориб, кўнгилдагидек натижаларга эришмоқдалар. Бу ташаббусларнинг кенг ёйилишида цех партия ташкилотлари, коммунист-мастерларнинг роли катта бўлмоқда.

Партия комитети корхонанинг каркас-механика цехи ва бошқа цехлар мастерлар совети фаолиятини активлаштиришга қаратилган тавсиянома ишлаб чиқди. Бу жуда яхши самара бермоқда. Мастерларнинг меҳнатни ташкил этиш, ҳуқуқ билимларини пухта эгаллашлари учун махсус курслар ташкил этишга қарор қилинди.

ТАРБИЯ БИРЛИГИ УЧУН

Тошкент тўқимачилик комбинати коммунистлари ўзларининг навбатдаги йиғилишларида ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбия бирлигини янада мустаҳкамлаш вазифаларини муҳокама этдилар. Йиғилиш активлик руҳида ўтди. Коммунистлар ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш, янги резерваларни қидириб топиш, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли ado этишда комплекс тарбия бирлигининг ролини алоҳида қайд этдилар.

Корхонада 300 га яқин пропагандист бор. Салкам 9 минг ишчи ўтган ўқув йилида партия маорифи ва сиёсий таълим шохобчалари — тўгарак, мактаб ва семинарларда ўз билимларини оширдилар. Бу эса янги-янги ташаббусларнинг туғилишига сабаб бўлмоқда. Юзлаб тўқувчилар бир беш йиллиқда икки беш йиллик топшириғини б а ж а р и ш га аҳд қилишган. «Шоғирд — мураббийга тенглашсин» шиори остида ишлаётганлар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Коммунистлар беш йилликнинг тўғриғ йили топшириғини муваффақиятли ado этишга қаратилган ташкилий ва сиёсий ишларни янада кучайтириш тадбирларини белгиладилар.

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

Слесарь-йиғувчи Б. Шкурин кекса коммунистлардан бири. Ишлаб чиқаришда ой сайин юксак натижаларга эришмоқда. Унинг меҳнат календарида ноябрь ойи бошланди. У 20 йил мобайнида кўплаб шоғирдлар тайёрлади.

Яқинда «Узбексельмаш» бирлашмаси партия комитети томонидан чиқарилган навбатдаги варақада ана шу коммунистнинг и ш л а б чиқаришдаги авангардлиги кенг ёритилди.

Корхонада бундай илғорлар жуда кўп. Ю. Анохин Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, «Ўз касбининг моҳир устаси» деган фахрли ном олди. Қолипловчи Е. Панина, пайвандчи М. Хабировлар ҳам кундалик топшириқларини 130—135 процентдан ado этиб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

«Малина» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи КПСС XXV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириш йўлида фидокорлик кўрсатмоқда. Ҳозир бу ерда 24 хил буюм Давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти. Фақат республикамиз эмас, балки Урта Осиё республикалари аҳолисини ҳам трикотаж буюмлари билан таъминлаётган корхона ишчи ва хизматчилари юксак натижаларга қандай эришишяпти?

Биз бугундан бошлаб «Сифат ва самарадорлик— шиоримиз» рубрикаси остида берладиган материалларда ана шу ҳақда сўз юритамиз.

Сифат ва самарадорлик—шиоримиз

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

1. КАМОЛОТ ЙИЛЛАРИ

Бирлашма коллективининг шуҳрати тобора ортиб бормоқда. Бунга ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг тинмай изланиши ва самарали меҳнати туфайли эришиляпти. Корхона маркаси қўйилган эркак, аёл, болалар кўйлакларининг харидорлари кўпайиб бораётганлигининг боиси ҳам шунда.

Тўқкизинчи беш йиллик бирлашма коллективи учун камолот ва юксалиш йиллари бўлди. КПСС XXIV съезднинг тарихий қарорларини оғишмай амалга ошириш катта зафар келтирди. Беш йиллик план барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан бажарилди. Аҳолига планга қўшимча 8 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида меҳнат унумдорлиги 16,2 процентга ошди. Маҳсулот сифатини яхшилаш борасида олдинга катта силжиш бўлди. Булар сўнгги марраларми? Йўқ, дейишмоқда трикотажчилар.

КПСС XXV съезди совет халқи олдига ўнинчи беш йилликни сифат ва самарадорлик беш йиллигига айлантириш вазифасини қўйди. Партия ва ҳукумат томонидан кун тартибига қўйилган вазифаларни тез ва тўла ҳал қилиш коллектив учун ҳаёт қонуни бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам тўқувчилар, тикувчилар енг шимариб ишга киришдилар. Цех, бригада, смена, ишчилар ўртасида кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлаш баҳси авжга чиқди. «Яхши маҳсулот —ишчининг юзи ва обрўси» — Бу шиор трикотажчиларнинг қалб амри, ишини баҳоловчи олий мезон бўлиб қолди. Уларнинг ўзаро суҳбатларига эътибор бергудек бўлсангиз, буни дарҳол сезасиз. Улар ҳозир бир-биридан сменадан сўнг қанча тайёрладилар деб эмас, ишни қандай бажардинг деб сўрашмоқда.

Бирлашмада сифатни яхшилашга тайёргарлик бошланганига анча бўлди. У коммунистлар, касаба союз ва комсомол аъзоларининг йиғилишларида муҳокама қилинди. Техниклар, инженерлар, мутахассислар ўзларича имкониятларни ҳисоб-китоб қилиб чиқишди. Узоқ изланишлардан сўнг унумли ва сифатли меҳнат учун шароит яратиш керак деган қатъий хулосага келинди. Дарҳақиқат, шароит бўлмаган тақдирда ишчидан аъло навли маҳсулот тайёрлашни талаб қилиш жуда ноқулай.

— Корхонамиздаги асосий куч хотин-қизлардир, — дейди бирлашма касаба союз комитетининг раиси Алнисер Мирқосимов. — Шунинг учун ҳам биз ишни уларга қулай шароит яратишдан бошладик. Бўяш цехи бирлашмадаги энг қийин участка ҳисобланади. Қисқа вақт ичида бу ерда 7 та ҳавони тозаловчи қурилма ўрнатилди. Улар ҳозир цехда мўътадил иқлим яратиб, дам олиш ва ўз билимларини оширишига ёрдам берадиган жуда кўп тадбирларни амалга оширди. Жумладан, ўрта маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар учун кечки мастерлар мактаби ташкил қилинди.

Меҳнатни илмий ташкил этиш бўйича томонидан меҳнат ва дам олишни ташкил этишнинг рационал режимлари жорий этилди. Бу ўз навбатида кам жисмоний меҳнат сарфлаб, юқори натижаларга эришишга олиб келмоқда.

«Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат», дейди халқимиз. Ишчилар синфи сафига қўшилишга аҳд қилган, йигит-қизларнинг корхонада муқим ишлаб қолишлари ва энг асосийси, иштиёқ, меҳр билан меҳнат қилишларига эришиш лозим. Касб ўргатиш, иш жараёнининг мураккаб томонлари билан таништириш ўз йўлига. Энг асосийси, меҳнаткашларни ўз хизмати бекор кетмаётгани, корхона коллективи уларни ҳамиша ардоқлашга тайёр эканлигини ҳаётда, тажрибада исботлаш лозим. Одатда инсон ёлғиз яшамайди. У дўст орттиради. Ишлаб чиқаришда ана шу садоқатли дўст, ҳамфикр йўлдош вазифасини мураббийлар ўташади.

Эндигина меҳнат фаолиятини бошлаётган ўсмир устози тақдирида ўз келажагини кўради. Бинобарин, унинг коллектив орасида тутган ўрни, партия, касаба союз ташкилотлари, бутун ишчиларнинг унга муносабати ёш ишчининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Устоз бўлиш мураккаб ва қийин вазифа. Сабаби, шогирд ишда ҳам, турмушда ҳам унга ўхшашга ҳаракат қилади. Корхонада ҳалол меҳнат билан коллектив шуҳратини оширишга салмоқли ҳисса қўшган кишилар оз эмас. Уларнинг қайноқ меҳри, қалб ҳарорати билан бутун бир ишчилар авлоди вояга етди.

Минаввар Орипова, Альбина Лазерева, Зоя Лиштаева, Шонра Атҳамова, Равилия Ҳабибулина, Тўлабиби Назруллаева, Озода Эшматова, Татьяна Кардаш шулар жумласидандир. Улар давр руҳи билан яшашяпти, зарбдор меҳнат билан ўз устозларининг энъаналарини давом эттиришмоқда.

Тўқувчи Шонра Холмуҳамедова амалга ошираётган ишга разм солсак, корхона коллективининг шу пайтдаги асл мақсади нимага қаратилганлигини кўрамиз. У тўқкизинчи беш йиллик топшириғини уч йилда ўринлатди. Эришилган юксак натижа уни янада самаралироқ меҳнат қилишга ундади. Сифат ва самарадорлик беш йиллиги топшириғини икки ярим йилда бажаришга аҳд қилган ғайратли тўқувчи ҳозирнинг ўзида деярли икки йиллик топшириқни ўринлатиб қўйди. Бунга коммунистик жамият кишисининг фидокорлиги, халққа бўлган меҳрининг намуна деса бўлади.

Шонрага касб ўргатган, уни етук тўқувчи қилиб тарбиялаган ишчиларнинг кўплари ҳамон сафда. Кўксига «Меҳнат ветерани» нишонини тақиб олган бу жонкуяр кишилар коллектив олдида турган муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этишда самарали хизмат қилишмоқда. Шу вақтга қадар бирлашмада меҳнат қилиб улгайган 140 ишчига меҳнат ветерани унвони берилди. Бирлашмада бу маросимни бутун коллектив аъзолари иштирокида, тантанали суратда ўтказиш анъанага айланиб қолган.

Ишчи ўз меҳнати самарасини кўриб қувонади, албатта. Бордию, кенг жамоатчилик ўртасида ишчи номига илиқ сўз айтилса нур устига нур. Сабаби, у ўз меҳнати коллективга, халққа катта наф келтираётганини ёркин тасаввур қилади. Корхонада бу масалага катта эътибор берилмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган ишчилардан 792 киши «Коммунистик меҳнат зарбдори», 8 киши «Хизмат кўрсатган мастер», 65 киши «Фахрли ишчи», 24 киши «Энг яхши ёш ишчи», 170 киши «Тўқкизинчи беш йиллик зарбдори», 173 киши «Социалистик мусобақа ғолиби» деган шарафли номга эга. Маънавий рағбатлантириш ишчига тетиклик, ғайрат бағишлайди, уни мумкин қадар кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот тайёрлашга ундайди.

Барча шароит муҳайё этилгач, бирлашмада меҳнат интизомини мустаҳкамлашга киришилди. Юзаки қараганда буни маҳсулот сифатига алоқаси йўқдек туюлиши мумкин. Аслида эса аҳамияти жуда катта. Айтайлик, ишчи цехга 10 минут кечикиб келди. У нормани бажариш мақсадида шошилиб ишлайди. Натижада сифатга катта путур етади. Шу боисдан ҳам корхонада махсус комиссия тузилиб, у ишчиларни ишга ўз вақтида келиши ва ишни белгиланган вақтда тугатишларини қатъий назорат қилиб борди. Айни вақтда комиссия аъзолари меҳнатни ташкил қилиш, ишчи ва раҳбар ходимларнинг ўзаро муносабати масалаларини ҳам синчиклаб ўрганишмоқда. Ишчиларга кўпол муомала қилган ва уларни қайфиятини бузадиган, ортиқча вазифаларни бажаришга мажбур қилган мастерлар, цех раҳбарлари ва бошқаларга қаттиқ маъмурий чора кўрилмоқда.

Энди ана шу комиссия томонидан тайёрланган справкага бир назар ташлайлик. 1973 йилда 118 ишчи бесабаб ишга чиқмаган. Бунинг оқибатида корхонада 236 ишчи куни бой берилган. Орадан икки йил ўтгач, бу рақам 194 ишчи кунига камайди. Бу йил эса бу рақам янада қамайиши кутиляпти. Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, корхонада меҳнат шароитини яхшилаш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар катта ижобий натижа б е р м о қ д а. Шу боисдан ҳам бирлашмада бугун биронта ҳам ишлаб чиқариш топшириғини бажармаётган. Ёки нуқсонли маҳсулот тайёрлаётган и ш ч и йўқ. Улар бундан буён ҳам бўлмайди. Коллективнинг бутун ғайрати ва билими, маҳорат ва тажрибаси ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

М. ОТАХОНОВ.

Беш йиллик илғорлари

Байроқдорлар

КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиб келаётган «Гордорстройремонт» трестига қарашли 1-ремонт қурилиш бошқармаси коллективи съездлар йилида баракали меҳнат қилиб, ойлик ва квартал планларини муваффақиятли ado этиб келяпти.

Бинокорлар ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида «Жасорат» монументини бунёд этишда фидокорона меҳнат қилдилар, шунингдек, «Халқлар дўстлиги» проспекти, Хуршид, Абай номли кўчаларга асфальт ётқизилиб, улкан ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бундан ташқари Революция хиёбони, Агрегат, «Ташсельмаш», «Ташхимсельмаш» заводлари территориясида ҳам талайгина ремонт қурилиш ишлари амалга оширилди.

Бошқармадаги кўплаб кишилар б е ш йиллик илғорлари, мусобақа ғолиблари деган шарафли номга эга. Ана шундай пешқадамлардан бири Тигран Мануянц раҳбарлик қилаётган учинчи участка ва Дмитрос Харичис, Ильфа Аҳмадуллинлар бошчилигидаги комплекслашган бригада азаматлари шу йил август ойидан бошлаб 1977 йил ҳисобига ишламоқдалар.

Бу ерда участкалар, бригадалар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа намунали йўлга қўйилган. Беллашув натижалари ҳар кварталда якунланиб, биринчи ўринни эгаллаган ғолиблар кўчма вимпел ва 150 сўм пул, иккинчи ўринни олганлар эса 100 сўм пул мукофоти билан тақдирланади. Бундай модий ва маънавий рағбатлантиришлар қурувчилар куч-ғайратини янада ошираётганлиги туфайли бошқарма аҳли йил бошидан бери трест кўчма Қизил байроғини қўлдан бермай келяпти.

Бошқармадаги А. Васильев билан И. Аҳмадуллин бошчилигидаги комплекслашган бригада коллективлари Злобин методи асосида иш юритиб, йил сайин яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Улар иш вақтидан ҳамда машина ва механизмлардан унумли фойдаланганлиги натижасида объектларни муддатидан илгари фойдаланишга топшириб, моддий манфаатдорликка эришишяпти.

Ҳозирги кунда бошқарма бинокорлари Абай, Хуршид номли кўчаларнинг 800 метрли иккинчи навбати, Уйғур кўчасидаги янги ҳаммом территорияси, Олтин кўл кўчасидаги сабзавот сақланадиган омборхона ва бошқа кўпгина объектларда ободонлаштириш ишларини олиб боришяпти. Бу қурилишларда меҳнат қилаётган автогрейдерчи Трофим Карпенко, экскаватор машинисти Иброҳим Валиев, Александр Пирогов, Мулланур Нуриев, асфальт ётқизувчи машинистлардан Валис Халимонов, Станислав Мелихов, асфальтловчилардан Евгения Давидова, Мунира Фаттоҳова сингарилар кунлик нормаларини 1,5— 2 ҳиссадан ado этиб, 60 зарбдор ҳафталикларда пешқадамлик қилишяпти.

— Коллективимиз қўлга киритаётган ютуқларнинг асосий омили қурувчилар ўртасида социалистик мусобақанинг кенг авж олдирилганлигидир, — дейди бошқарма бошлиғи Михаил Ефремович Штрамель. — Биз йиллик планни яқинлашиб келаётган Октябрь байрамига қадар уддалаб, йил охиригача яна пландан ташқари 500 минг сўмлик қурилиш ремонт ишларини бажаришга аҳд қилганмиз.

Шу куиларда бошқарма бинокорлари зиммаларига олган план ва мажбуриятларини муддатидан илгари шараф билан бажариш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган ҳолда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

Ўз касбларини пухта эгаллаб олган 2-пойафзал фабрикасининг ўрнатувчилари Маҳмуд Ҳолиқов ва Турсун Исаевлар смена топшириқларини 150 —160 процент ado этишмоқда. Тажрибали бу ишчилар ўрнатувчилик касбининг нозиктомонларини ёшларга қунт билан ўргатяпти.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Қашқадарё области янгиликлари

Тоғда автомобиль вокзали

Қашқадарёнинг энг баланд тоғлиқ раён марказидаги — Китобда янги автомобиль станцияси дастлабки йўловчиларни қабул қилди. Замонавий бинонинг иккита кутиш зали, буфети, ошхонаси, хизмат бинолари бор. Бу ердан областнинг аҳоли яшайдиган барча йирик пунктларига ва Самарқандга автомобиллар қатнанди.

●

Сахий дала

Қашқадарёнинг сабзавотчилик совхозлари кечпишар сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олишга киришди. Ульянов районидаги III Интернационал совхозининг П. Қиличев бошлиқ бригада гектар бошига 70 центнердан бодринг олмоқда. Бу экин илгари маккажўхори парвариш қилинган далаларга экилган эди. Қашқадарёда бу йил бундай такрор экин ўтган йилдагига нисбатан уч баравар кўп, яъни 300 гектар майдонга экилди.

●

Кичкинтойлар саломатлиги йўлида

Шаҳрисабзда янги болалар касалхонаси очилди. Икки қаватли бинода икки ўринли ёруғ палаталар бор. Буларнинг ҳар бири она ва бола учун мўлжалланган. Касалхона энг янги медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда 120 бола айни бир вақтда даволанишиш мумкин.

(ЎзТАГ).

Муҳаррам Исаева абразив комбинатининг пешқадам ишчиларидан бири ҳисобланади. Илғор ишчи ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотнинг сифатли бўлишини таъминлашда. Кунлик топшириқни 120—130 процент бажараётган пешқадам ишчи бошқаларга намуна бўляпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳамза райони меҳнат коллективлари ва ўқув юртларида 1977 йил газета ва журналларига обуна қизғин давом этмоқда.

Пластмасса буюмлари фабрикаси, санитария-техника жиҳозлари заводи, Қўйлиқдаги кўприк темир-бетон конструкциялари заводи, «Узсельхозтехника» бирлашмасининг тажриба-ремонт механика заводи, 1-ғишт заводлари бошқармаси коллективларида обуна ўтган йилдаги кўрсаткичларга етказилди.

Ишчи-хизматчи л а р, инженер-техник ходимлар «Правда», «Известия», «Сельская жизнь», «Совет Узбекистони», «Правда Востока», «Тошкент оқшоми» каби газеталар, «Огонёк», «Смена», «Шарқ юлдузи», «Гулистон» каби журналларга кўплаб обуна бўлдилар.

ШАҲАР УСТИДАГИ ТУТУН

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ РЕЙДИ

Кузда шаҳримиз янада кўркамлашиб кетади. Олтин япроқлар ўзига мафтун этади. Ана шундай вақтда, кўча, майдон ва хиёбонларни айланиб тоза, мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олгинг келади. Лекин ҳамиша ҳам кўнгилдагидек сайр қилолмайсан. Чунки у ер-бу ерда ёқилаётган барглариинг тутуни тоза ҳаводан тўйиб нафас олишга йўл қўймасдан, кўзни ачитади. Нега энди тоза ҳавони ифлослантириб барг ёқишади. Уларни ким ёқади?

...Чилонзорнинг 24-кварталидаги 25-ЖЭК фаррошлари ҳар куни территорияларини чиқиндилардан тозалаш учун чиқишади. Бир неча соат ўтгандан сўнг йиғилган барг ва чиқиндиларга ўт қўйилади. Аста эсаётган шабада эса ёнаётган ахлат тутунини узоқ-узоқларга олиб кетади. Фаррошларнинг айтишича барглларга ўт қўйиш уй-жой идорасининг бош инженери Л. Юнусов буйруғи асосида бажарилаётган экан. Балки у Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети тасдиқлаган «Жамоатчилик тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидалари» бўйича барглларни ёқиш мумкин эмаслигини билмаса керак деб ўйларсиз. Текширишлардан шу нарса маълуй бўлдики, бош инженер бу қоидани жуда яхши биларкан. Аммо кўрмб кўрмасликка олишни ўзига одат қилиб олган экан.

Газетхонларимиз 25-ЖЭК ишчиларидан ўринли хафа бўлишмоқда. «24-кварталдаги 50 ва 53-уйлар олдида нечқурунлари барг ёқишмоқда, — деб ёзади редакциямизга Ферапотова.— Биз олов ёқмаслик ҳақида фаррошларга бир неча бор айтган бўлсак ҳам ўз билганларидан қолишмаётир. Наҳотки улар ҳавони тутун билан булғаётганликларини сезишмаса».

Чилонзор район ижроия комитети маъмурий комиссияси ўртоқ Л. Юнусовнинг бу масалага муносабатини муҳокама қилганидан кейин эҳтимол у ишда ўзгариш ясар.

«Пахтакор» стадиони устини қоплаган тутун бизни ўзига жалб этди. Ана шу вақтда бу ерда ўнлаб кишилар жисмоний машқ билан шуғулланишаётган эди. Барг стадион раҳбарлари — директори Л. Свердлов, унинг ўринбосари А. Ходжиматов, комендант И. Мажидхўжаевнинг буйруқлари билан ёқилаётган экан.

Ўтган ҳафтада санитария милициясн хизматчилари аҳолининг ўзбошимчалик билан барг ёқанлиги учун 90 дан ортиқ маъмурий протокол тузишди. Булар ичида 5-юқумли касалхонанинг хўжалик бўйича бош врач ўринбосари Ю. Хидиров, сув хўжалиги министрлигининг бўлим бошлиғи П. Коновалов, «Миробод» кафесининг бригадири-ошпази И. Усмоновлар ва бошқалар бор. Санитария қоидаларини қўпол равишда бузганлар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети тасдиқлаган қарорни билсаларда баргни йўқотишга худди бошқа чора йўқдек уни ёқиш билан шуғулланганлар.

Наҳотки хусусий уй эгалари барглардан ўз хўжаликларида оқилона фойдаланиш мумкин эканлигини билмаса. лар. Агарда улар ҳовлиларининг бир чеккасига чуқурча қазиб, йиғилган барглларни кўмиб қўйсалар бир йилдан сўнг дарахт ва гуллар учун ажойиб ўғит тайёр бўлади-ку!

Район «Автодормехбаза»лари ва ободонлаштириш бошқармалари ҳам ўз ишларига масъулиятсизлик билан қарашмоқда. Кўпинча йиғиб қўйилган барг ва чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилманди. Айни шу кунларда чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетишга катта эътибор бериш ва фаррошларни транспорт билан таъминлаш зарур.

Чилонзор районида барг ва чиқиндиларни жуда кўплаб ёқишади. Шунинг учун ҳам бу ерда истиқомат қилувчилар редакциямизга ўз ишига ўта масъулиятсизлик билан қараётган раҳбар ва фаррошлар ҳақида кўплаб шикоят йўллашмоқда. «Сизни аралашишингизни ўтиниб сўраймиз, — деб ёзишибди II-кварталнинг 24, 29, 28-уйларида истиқомат қилувчилар. — Кечқурунлари ҳаводан тўйиб нафас ололмасдан қийналамиз. Барг ёқувчиларга нисбатан қаттиқ чора кўришларингизни талаб қиламиз». Худди шунга ўхшаш ташвишли сигналлар Юнусобод, Қорақамиш, Високовольт массивида истиқомат қилувчилардан ҳам келиб турибди. Бундай қараганда барг ёқишнинг ҳеч қандай зарари йўқдек туюлади. Ваҳоланки, барг ёқилиши натижасида инсон саломатлиги учун жуда зарур бўлган кислород намайиб кетади. Бундан ташқари саломатлик учун зарар бўлган нс гази кўплаб ва юқори нафас олиш органларининг ишдан чиқишига олиб келади.

Об-ҳавонинг тоза бўлиши ҳақида ҳар биримиз ғамхўрлик қилишимиз керак. Барг ва чиқинди тутунларининг кўча ва шаҳримиз кварталлари бўйлаб ёйилишига мутлақо йўл қўймаслигимиз керак.

С. ДУБРОВСКИЙ,
Тошкент шаҳар давлат Бош санитария врачи ўринбосари.

М. ЖУРАЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
А. ХАТАМОВ,
«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» мухбирлари.

ШАҲРИМ — ФАХРИМ

ҒАЙРАТ КЎРСАТИБ

Ленин райони кун сайин чирой очмоқда. Янги-янги массивлар, кварталлар, микрорайонлар қад кўтармоқда. Янги йўллар очилиб, йўлкалар қурилмоқда.

— Участка йўлсозлари ўнинчи беш йиллиқнинг дастлабки йили топшириғини ошириб ado этдилар, — дейди район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдулла Ботиров. — Ўтган тўқкиз ойдаёқ 460 минг ўринга бир миллион 60 минг сўмлик ремонт ишлари бажарилди. Йиллик план 200 процентдан ортиб кетди. Полторацкий, Пролетар, Тарас Шевченко ва бошқа кўчалар сифатли ремонт қилинди.

Ҳақиқатан ҳам районда кўпгина йўл ва йўлкалар қайта ремонт қилинди. Новий путь кўчасида йўлка барпо этилди. Навоий номли театр майдони қайта реконструкция қилинди.

«Главташкентстрой»нинг «Таштрансспецстрой» трестига қарашли 5-қурилиш бунёдкорлари Театр олди майдонидаги йўлкаларга тайёр бетон плиталар ўрнатдилар. 1-Май кўчасидаги эски бино олиб ташланиб, янги хиёбон ташкил этилди. Ихтисослаштирилган йўл эксплуатация трести хиёбонни гўзаллаштиришда, ирригация трести сув шохобчаларини қуришда бошқаларга намуна бўлдилар. Кўчаларни жорий ва капитал ремонт қилишда ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Қуйбишев шоссесида янги кўприк қурилмоқда.

— Хиёбонлар раёни ҳуснига-ҳуси қўшмоқда, — дейди А. Ботиров,— биз янгилиги микроскверлар барпо этмоқдамиз. 1 Май кўчасида 4 минг квадрат метр жой очилиб, бу ерга кузда очиладиган гул кўчатлари экамиз. Ўзбекистон кўчасида қад кўтарган янги бинолар олди кўкаламзорлаштирилмоқда. Гулзор йўлка четларига чим босилянти. Бугун-эрта қишки гул экамиз.

Бундай гулзорлар, хиёбонлар Полторацкий кўчасидаги 19-уй олдида, «Қўйлиқ-4» микрорайонида барпо қилинянти. «Қўйлиқ —1» массивидаги боғ эса тартибга келтирилмоқда, Гуллар, манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, йўлка барпо қилинмоқда.

Районни безатишда, кўча ва йўлкаларни тоза тутишда М. Бучка, А. Усмонов бошлиқ бригадалар ибратли ишларни амалга оширмоқда. Район территориясини намунали сақлашда 5, 12-маҳаллалар, «Средазтрансстр о й» трести, ободонлаштириш бошқармасининг О. Нишонбоева, Л. Ким бошлиқ кўкаламзорлаштириш бригадалари катта ҳисса қўшмоқда.

И. РУСТАМОВ.

Н. А. Семашко номидаги республика курортология ва физиотерапия давлат илмий тадқиқот институти клиникасида тажрибали мутахассислар меҳнаткашларга энг замонавий шифолаш усуллари билан хизмат қилмоқдалар. Бу ерда кўпгина фан докторлари, фан кандидатлари, илмий ходимлар, врачлар меҳнат қилишади.

СУРАТДА: институт клиникасида самарали меҳнат қилаётган шифокор олимлар А. Содиқов, Ф. Боқиев, Ғ. Акромхўжаев, Т. Убайдуллаев, Ж. Нурмуҳамедов, У. Шоғуломов, М. Сандова, Р. Пўлатов даволашнинг янги усуллари ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Ю. Трубников фотоси.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ТРАНСПЛАНТАЦИЯНИНГ ЮТУҚ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

СССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ АЪЗО ВА ТЎҚИМА ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИНИНГ ДИРЕКТОРИ, ПРОФЕССОР В. И. ШУМАКОВ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

— Ҳозир баъзи бир ҳолларда аъзоларни трансплантация қилиш (одамнинг ишдан чиққан аъзосини кўчириб ўтказиш ёрдами билан соғломига алмаштириш) бемор ҳаётини қутқариб қолувчи бирдан-бир усул бўлиб қолди. Техника жиҳатидан олганда кўчириб ўтказиш хирургияси жуда юксак даражага етган бўлса соғлом аъзо кўчириб ўтказилгач организмда вужудга келувчи тўқима ётсираши деб аталмиш биологик ётсирашни енгиб ўтиш борасидаги изланишлар ҳамон медикларнинг куч-ғайратини бирлаштиришни тақозо этади. Нью-Йоркда бўлиб ўтган ва аъзолар трансплантациясига бағишланган 6-Халқаро конгресс шу масаланинг клиник ҳамда назарий жиҳатларига, шу жумладан трансплантацион иммунология ва генетика масалаларига бағишланди. Мediклар клиник трансплантация соҳасида бугунги кунда клиникада буйракни кўчириб ўтказиш мақбуллиги тўғрисидаги масала сўзсиз ҳал этилди, деган битта фикрга келдилар. Жаҳонда йигирма беш мингдан ортиқ шундай операция ўтказилган. Бизнинг мамлакатимизда 1965 йилнинг кўкламида академик Б. В. Петровский СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Бутуниттифоқ клиник ва экспериментал хирургия илмий-тадқиқот институтида биринчи марта муваффақиятли ўтказган операциядан бери бир ярим мингдан ошиқ шундай операциялар бажарилди ва уларнинг ҳаммаси яхши чиқди. Академик Б. В. Петровский операция қилган дастлабки беморларидан бири мана ўн бир йилдан бери яшаяпти. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқидаги 15 та марказда шундай операциялар ўтказилмоқда.

Юрак, жигар, ўпка каби бошқа аъзоларни кўчириб ўтказишга келганимизда бундай операциялар ҳозирча эпизодик тусда бўлиб уларнинг натижалари ҳозирча ҳеч ҳаммаси сезилмаган ва асосан эмас, бундай операцияларнинг мақбуллиги ҳусусида эса ҳар хил фикрлар айтилмоқда. Кўпчилик мутахассислар беморларда шундай операциялар ўтказишга ҳали эрта деб ҳисоблайдилар. Бу гап биринчи навбатда юрак кўчириб ўтказиш операциясига тааллуқлидир. Ҳамма-ёрдами билан биологик иммунодепрессия методини қўллаш ўзини оқлолмади. Ҳолбуки бир қанча олимлар шу препаратларни қўллаб, тузуккина натижаларга эришганди.

Кейинги вақтларда трансплантологияни медицинада қўлланиш доираси кенгайтириб борилмоқда. Ҳозирги вақтда кўпгина тадқиқотчиларни қизиқтираётган бир проблема — лангенгарс бўлак-бўлак ҳужайраларини кўчириб ўтказиш проблемасига конгресс қатнашчиларни эътибор бериб қарадилар. Бу ерда гап инсулин ҳосил қилувчи меъда ости бези ҳужайралари назарда тутилянти. Махсус усул билан донор меъда ости безидан ажратилган бу ҳужайралар тўқимада ўстирилади, сўнгра шприц воситасида қорин бўшлиғига одатдагича инъекция қилиш йўли билан пациент организмига кўчирилади. Диабет касаллигини даволашда янги-янги истиқболлар очиб берувчи бу методика бизнинг мамлакатимизда ўтказилаётган экспериментларда ҳам кенг қўлланда ишлаб чиқилмоқда. Конгрессдаги айрим ахборотларда бундай методни клиник қўллаш дастлабки натижалари тўғрисида доклад қилинди. Ҳозирча кандан-кам бу қузатишлар диабет каби кенг тарқалган ва оғир касалликни даволайдиган янги қудратли усул яқин келажакда пайдо бўлишидан умид бўлашга имконият беради.

Совет делегацияси аъзоларининг докладлари зўр қизиқиш билан кутиб олинди. СССРда суньий меъда ости бези яратиш борасида олиб борилаётган оригинал тадқиқотлар тўғрисидаги гаплар қизғин мунозараларга сабаб бўлди.

Конгресс программаси ниҳоятда тиғиз эди. Совет делегациясининг қатнашчилари Америкаларнинг бир қанча клиникаларида ва илмий-тадқиқот муассасаларига бориб, Совет Иттифоқида инсон аъзоларини кўчириб ўтказиш проблемасининг аҳволи тўғрисида ахборотлар бердилар. Уларнинг америкалик ҳамкасблари совет трансплантологиясига зўр қизиқиш билан қарадилар, шу соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга иштиёқ билдирдилар. Биз Москвада сунъий юракни бирлаштириб кўчириб ўтказиш экспериментида қатнашган профессор Жорж Нун билан ҳам учрашдик, унинг юрак суньий қоринчиқларини кўчириб ўтказиш борасидаги кўргазмали операциясида ҳозир бўлдик.

Ҳукуматлараро бизим доирасида суньий юрак проблемаси соҳасида бирлашиб тадқиқотлар олиб бориш бўйича мамлакатимизни и н г координатори сифатида Хьюстонда Қўшма Штатлардан ушбу проблема бўйича координатор - профессор Майкл де Бейки билан учрашувим бўлиб ўтди.

Совет ва Америка медикларининг ҳар бир янги учрашуви, — деди пировардида профессор В. И. Шумаков.— бизнинг фикримизча инсон сиҳатсаломатлиги йўлидаги ҳамкорлик ишига қўшилган муҳим ҳиссадир.

З. ХРОМОВА.

ТАСС.

Минг дардга даво

Инсон камида 150 йилнинг ҳамроҳи бўлиб яшаши мумкинлиги ҳақида буюк шифокор И. И. Мечников ўз мулоҳазасини баён этиб ўтган эди. Бунинг учун асосан сутли озиқалардан ўринли фойдаланиш ва режали тамадди этиш кифоя.

Маълумки, инсон ичагида бир қатор чиритувчи мавжудотлар бўлиб, улар ўзининг яшаш жараёнида киши саломатлигига салбий таъсир этувчи моддалар ҳосил қилади. Ана шу микроаъзолар ичагимиздаги фаол ишқорий шароитда ўрин топиб, «ҳунар» кўрсатади. Олим бу нарсага чоран-тадбир қилиб сутли озиқаларни ҳавола қилади. Бу борада томизги асосида вужудга келадиган сутли маҳсулотлар мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки бу маҳсулотлар ичагимизда микроаъзоларнинг яшаши учун чек қўювчи жавҳарли муҳит яратиб беради. Ўз даврида болгарлар боқий умрлик ҳисобланар эдилар: юз ёшлилар салмоғи нисбатан кўпчиликни ташкил қилганлиги туфайли Мечников бу халқнинг севимли ичимлиги ҳисобланган болгар қатиғини боқиёлик омили деб билади. Шифобахшлик бобида қатиқ билан рақобат қилаоладиган кефир қадимдан халқ дидига ёқиб қолган сутли озиқалардан биридир.

Кефир сўзи туркча «кеэф» бўлиб, у саломатликни, ҳаётликни англатади. Ўз навбатида сут заминида ҳосил бўлувчи бу озиқа Кичик Осиё ва Кавказ халқларининг суюмли шифобахш озиқаси ҳисобланади. Маҳаллий халқлар кефирни эчки териларидан ясалган меш-ларда махсус томизғи билан ивитадилар. Кефир чанқоқ қолдириши билан бирга, бир қатор хасталикларнинг олдини олади ва даволайди. Жумладан, у ичак фаолиятини уйғунлаштиради, меъда ялигланишига ижобий таъсир этиб, шифо ато этади, қабзият азиятидан холи қилиб, бемавруд семиришга барҳам беради. Кефир дори сифатида асаб ва юрақон системасига мадад бериб, уни мустаҳкамлайди.

Кефирни мадҳ қилар эканмиз, унинг яна бир хосиятни тарафини айтиб ўтиш айни муддао бўлур эди. Инсон тадбиркорлиги билан бунёд этилувчи бу неъмат киши аъзоларига тез сингади, чунки меъда фаолияти билан бажариладиган вазифаня ўзи ҳам бажаради.

Кефир тарихига қисқача назар ташлаб ўтсак, унинг илмий табобат бобидаги ўрни дастлаб 1866 йили шифокор Г. Жогин томонидан инобатга олиқиб, тавсия этилади. Шифокор Кавказ табобат жамиятига кефир ачитқиларини йўллайди. 1908 йили Умумроссия шифокорлар жамияти тавсияномаси билан Москвада кефир кенг кўламда ишлаб чиқарила бошланди. Кефир фақатгина касалхоналарга эмас, ҳатто кенг жамоатчиликка баҳра бера бошлади.

Кефирни тамадди қилиш йўллари ҳам бор: уни муттасил равишда нонушта ва кечки овқатланишдан сўнг, кунига икки маҳал истеъмол этиш ниҳоятда шифоли ҳисобланади. Бу тадбир семиз кишиларни ортиқча юқдан ҳоли қилишда яхши натижа беради.

Маннон НАБИЕВ.

ЯШИРИН ДАРД

Касаллик баъзи боларда иштахасизлик, коринда оғриқ, оғизда аччиқ таъм, кўнгил айниш, қусиш, қабзиятлик ёки камдан-кам ҳолларда ич кетиш билан бошланади. Баъзан ўнг биқинда, қовурға остида кучли оғриқ ёки оғирлик сезиш ҳоллари кўрилади. Боланинг дармони қуриёди, толиқади. Тез чарчашлик, ғашлик, йиғлоқилик, бош оғриғи, уйқусизлик, қувватсизлик, лоҳаслик, кўп терлаш, эт увишиши, баъзан баданнинг зирқираб оғриши кузатилади. Камдан-кам бемор терисида «эшак ем» тошиши, бурун ва милкдан қон оқиши ҳам мумкин. Касалликнинг бошланғич даври охирларида песув, туз, ранг (пигмент) алмашуви бузилади. Яширин дард А вирус билан касалланганда 15 кундан то 45 кунгача, ўртача 3—4 ҳафта давом этади. В вирус билан касалланганда эса бирмунча узоқ бўлиб, икки ойдан то 6 ойгача, ўртача 2—3 ой давом этиши мумкин. Бу даврда ҳали касалликнинг аломатлари рўй бермайди.

Касаллик бошланганда 3—14 кун ўтгач, баданда, кўз оқида сариқлик пайдо бўлади. Сариқлик дастлаб кўз оқида, бурун, лаб атрофида, қулоқ суп-лок бўлган кишидан олинган юракни жонлантириш усули топилиб хирурларнинг қўлида ҳеч бўлмаганда бир неча кун ишлашга қодир. Суньий юрак бўлганида юрак кўчириб ўтказиш операцияси клиник практикага янада кенгроқ қўламда кириб борса керак.

Ҳаётий муҳим аъзоларни муваффақиятли кўчириб ўтказиш йўлида асосий гов бўлмиш тўқима ётсирашини енгиб ўтиш проблемаси ҳамон клиникачилар ва экспериментчиларнинг диққат марказида турибди.

Орттирилган тажрибалар конгрессда муайян хулосалар чиқаришга имкон берди. Яқин-яқинларда катта умид боғланган тўқима типлаштирилиши деб аталган метод ҳалигача бугунги кунда бундай кўчириб ўтказиш муваффақиятли чиқади деб аниқ прогноз қўйишга имкон бермаяпти. Кўпчилик мутахассислар-нинг фикрича антилимфацитлар зардоб ноз қўйиб бемор қаноз ёрдами билан биологик иммунодепрессия методини қўллаш ўзини оқлолмади. Ҳолбуки бир қанча олимлар шу препаратларни қўллаб, тузуккина натижаларга эришганди.

Кейинги вақтларда трансплантологияни медицинада қўлланиш доираси кенгайтириб борилмоқда. Ҳозирги вақтда кўпгина тадқиқотчиларни қизиқтираётган бир проблема — лангенгарс бўлак-бўлак ҳужайраларини кўчириб ўтказиш проблемасига конгресс қатнашчиларни эътибор бериб қарадилар. Бу ерда гап инсулин ҳосил қилувчи меъда ости бези ҳужайралари назарда тутилянти. Махсус усул билан донор меъда ости безидан ажратилган бу ҳужайралар тўқимада ўстирилади, сўнгра шприц воситасида қорин бўшлиғига одатдагича инъекция қилиш йўли билан пациент организмига кўчирилади. Диабет касаллигини даволашда янги-янги истиқболлар очиб берувчи бу методика бизнинг мамлакатимизда ўтказилаётган экспериментларда ҳам кенг қўлланда ишлаб чиқилмоқда. Конгрессдаги айрим ахборотларда бундай методни клиник қўллаш дастлабки натижалари тўғрисида доклад қилинди. Ҳозирча кандан-кам бу қузатишлар диабет каби кенг тарқалган ва оғир касалликни даволайдиган янги қудратли усул яқин келажакда пайдо бўлишидан умид бўлашга имконият беради.

Совет делегацияси аъзоларининг докладлари зўр қизиқиш билан кутиб олинди. СССРда суньий меъда ости бези яратиш борасида олиб борилаётган оригинал тадқиқотлар тўғрисидаги гаплар қизғин мунозараларга сабаб бўлди.

Конгресс программаси ниҳоятда тиғиз эди. Совет делегациясининг қатнашчилари Америкаларнинг бир қанча клиникаларида ва илмий-тадқиқот муассасаларига бориб, Совет Иттифоқида инсон аъзоларини кўчириб ўтказиш проблемасининг аҳволи тўғрисида ахборотлар бердилар. Уларнинг америкалик ҳамкасблари совет трансплантологиясига зўр қизиқиш билан қарадилар, шу соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга иштиёқ билдирдилар. Биз Москвада сунъий юракни бирлаштириб кўчириб ўтказиш экспериментида қатнашган профессор Жорж Нун билан ҳам учрашдик, унинг юрак суньий қоринчиқларини кўчириб ўтказиш борасидаги кўргазмали операциясида ҳозир бўлдик.

Ҳукуматлараро бизим доирасида суньий юрак проблемаси соҳасида бирлашиб тадқиқотлар олиб бориш бўйича мамлакатимизни и н г координатори сифатида Хьюстонда Қўшма Штатлардан ушбу проблема бўйича координатор - профессор Майкл де Бейки билан учрашувим бўлиб ўтди.

Совет ва Америка медикларининг ҳар бир янги учрашуви, — деди пировардида профессор В. И. Шумаков.— бизнинг фикримизча инсон сиҳатсаломатлиги йўлидаги ҳамкорлик ишига қўшилган муҳим ҳиссадир.

З. ХРОМОВА.

ТАСС.

Геннадий СЕМЕНИХИН

ЖАСОРАТ

РОМАНДАН ПАРЧА

— Бугун жуда олаяпсан-да индамас, —старший лейтенант Иванов маъқуллагандай кулди. Ўттизга кирган, сочлари сийраклаша бошлаган Иванов сибирлик бўлиб, қорача, тишлари кедр ёнғоғи сингари майда, эди. — Буни ўзинг тўқидингми?

— Йўғе, ўртоқ старший лейтенант, бўлган гап, қасам ичаман.

— Охири нима бўлди?

— Нима бўларди? Академиядагилар билимдон, назокатли бўлишади. Улар бизнинг Уздечкинни сўкиб ташлашмади. Старший лейтенант штамп босилган қоғоз олди. Ундаги жуда мулойимлик билан ёзилган жавобда қадрли ўртоқ Уздечкин, академик Несмеянов ватанпарварлик таклифингизни юксак баҳолаганини етказишни сўради, бироқ ҳозирги пайтда илтимосингизни бажариш имкони йўқ, дейилганди. У шундай қилиб, Курилда хотини чангалида қолаверди.

Лев Горишин печкага яна пайраха ташлаб, чарсиллаб ёнишини эшитиб турди-да, бошини чайқаб қўйди.

— Сенинг гапингдан, Семушкин, латифанинг иси келади, — деди у қатъий қилиб. — Горелов-нинг орзуси эса бошқача.

— Охири нима бўлди?— Семушкин ўрнидан сал қўзғолиб қўйди. — Нима билан тугади? Петициясини йиртиш биланми? Мабодо эртага Гагарин гарнизонимизга бир нафасга кириб ўтса Алексей унинг олдига йўламайди. Бормасдинг-а, Горелов?

Алеша ғашқарисида ёмғирли тун ҳукмрон бўлган қоронғи деразага, унинг нам ойнасида печка олови акслана-ётганига қараб тураркан хотиржам ҳолда:

— Борардим,— деди.

— Ишонмайман, — деди Семушкин ҳиринглаб. — Бу гапни ҳозир азбароби қайсарлигингдан айтяпсан.

— Йўқ, йиғитлар, — Алексей оҳиста овозда эътироз билдирди. — Бу ерда қайсарлик деган нарса йўқ. Фазокор бўлиш —менинг ҳаётий мақсадим. Шунга етишиш учун қўлимдан нималки келса қиламан.

— Гагаринга йўлиқишга ўрингнанингда нимага ишонувдинг? — Семушкин ҳамон тагига етмоқчи бўларди.

— Нимага дейсанми? — Горелов қайта сўради. — Жуда оддий нарсага ишонувдим, Истисно методига. Шунака метод бор. У методдан файласуфлар, терговчилар, юристлар фойдаланишади. Бирданига бир неча тахмин олдинга сурилади, унча асосли эмаслари кейинга тушиб қолади. Ушанда ана шу метод иш беради. Пировардида битта тўғриси танлаб олинади.

Сухбатни кизиқиш билан тинглаётган старший лейтенант Иванов елкасини қисиб қўйди:

— Тушунмаяпман.

— Бу жуда содда, — Алёша жон деб тушунтира кетди. — Уша Уздечкинга ўхшаб Фанлар академияси президенти ёки Мудофаа министрига илтимос қилганимда ахмоқ Иваннинг ўзгинаси бўлардим. У ерда бунака илтимосномалар қоплаб топилади. Бироқ илтимосимни Гагаринга етказаолганимда ўзимга сал-пал эътиборни қаратган бўлардим. Аввало фазокор мени шахсан таниб олар ва махсус комиссияга кўринишим қанақалигини айтаоларди. Иккинчидан, талабгорлар кўп, бироқ менимча улар орасида ҳарбийлар озроқ. Ҳарбийлар орасида учувчилари кам. Учувчилар орасида эса кирувчилар ундан ҳам кам. Мана кўряпсизми, доира борган сари торайиб, кўплар ундан четда қолди, мен эса ундаман. Волга мужиклари айёррок бўлишади!

— Оббо, сене, жуда кийдинг-ку...—деди Иванов чўзиб, — лекин сўзингда мантик йўқ эмас.

— Мен бошқа нарсада ҳам мантик кўраман, — Горелов қизишиб гапиришда давом этди. — Ҳозирча илк парвозлар қилинди, ҳолос. Бундан буён улар мураккаблашади, тезлашади. Кадрлар керак бўлади. Уларни каердан олиш керак? Турган гапки — Ҳарбий Ҳаво Кучларидан.

— Унақада сенинг фазокорлар сафига тушишингга умид бор, — Семушкин кулиб юборди. — Авиацияда сендан бошқа битта-яримтаси реактив қирувчида Венерани қувганмиз-ку, ўмкми билмайман.

— Ҳазилингиз қолмас экан-да, — деди Горелов хўрсиниб. — Ҳар биримизнинг ўз эзгу орзумиз, ўз мақсадимиз бўлиши керак-ку. Ўша нарса борликка бор. Ҳар биримиз ниманидир орзиқиб, интизорлик билан кутамиз, тўғри эмасми?

Старший лейтенант Ивановнинг бирдан афти буришиб кетди. Одамни бирдан санчиқ тутиб қолганида ва бундан кутилишга ҳаракат қилганида шундай кўйга тушади.

— Масалан, менинг орзум бор, — деди у бўғиқ овозда, — хотиним рақдан ўлмаса дейман. Бу мен учун барча космик парвозлардан юз карра муҳимроқ. У эса сўниб боряпти. Ҳеч ким қутқариб қололмайди. Ун йил апоқ-чапоқ яшадик, келаси йили ўғлимиз мактабга боради, деб орзу қилардик. Энди бўлса хотиним шамдай адо бўляпти, фақат кўзларигина порлаб турибди.

У қойқадан турди-да, қайлардагидр қараб, уйқаден илдам чиқиб кетди. Эшик ҳам ҳазин ёпилди.

— Мен борай. Старший лейтенантни овутиш керак. — Семушкин ўрнидан кўзғалмоқчи бўлди.

— Қимирлама! — Лева Горишин унинг сўзини кесди. — Чўртонга соябондек сенинг рахмингг ҳам унга жуда керак-да, ҳозир у танҳо бўлсам дейди, сен эсанг қалбини тирнамоқчисан. Ёлғиз бўлса тезда тинчиб қолади.

Горишин ҳақ экан. Старший лейтенант чорак соатлардан кейин қайтиб келди-да, гўё ҳеч нима бўлмагандай ивиган киймини ечаётганда бошлади. Афтидан бояги ҳолати сезилиб турса ҳам ўзини жуда босиб олганди.

— Ёмғир ҳам тоза уряпти-да, — деди у печкага яқинроқ келиб, қўлини ишқаларкан. — Печкани жуда қизитибсизлар. Энди бир чой ичайлик бўлмаса.

Столда илонлар сурати солинган чипор термос пайдо бўлди. Стаканлар ҳаммага етди. Лева Горишин ғамхўр хўжайиндай термос қопқоғини бураб олди ҳам сал-пал буғи чиқиб турган аччиқ чойдан ҳаммага баравар қуйди, устига қанд ташлаб, стол ўртасига қуруқ пирожнийли ваза қўйди. Старший лейтенант қўлига бўш термосни олиб, уёк-буёғини айлантириб кўрди.

— Буни қандайдир бўёқчи роса ишлаган экан-да, — деб кўйди у ўзини кувноқ кўрсатишга ҳаракат қилиб. Шериклари бу билан бояги нарсани суваб кетмоқчи бўлганини билиб туришарди — Бошқа бирор нарсанинг суратини солиш шўринг қуриғанди эсига келмабди-да. Чойни илон сўратли термосдан пирожний билан маза қилиб ичарканмизда.

Семушкин билан Горелов кулимсирагандай бўлди, Лева Горишин эса рози бўлгандай қўлини кўтарди.

— Нима деяпсиз, ўртоқ старший лейтенант! Илонни шунақа деб бўларканми?

— Яна нима дейиш керак экан?

— Йўқ, мен бунга қўшилмайман, — деди Горишин жуда жиддий ҳолда. — Илон, сизга айтсам, жуда ақлли жонивор. Бунда ҳар қанака заҳарли қора илон ва заҳарсиз чипор илонларни кўзда тутмайман албатта. Бироқ шундай илонлар борки улар ҳурматга сазовор. Ҳиндистонда, бизнинг Ўрта Осиёда ҳам деҳқонлар ва мўътабар оқсоқоллар баъзи илонларни азиз санашлари бежиз эмас. Мени ҳазил киляпти, деб ўйламанглар. Буни жуда жиддий айтяпман. Мен Ҳисор водийсида туғилиб ўсганман, у ердаги ҳаётни биламан. Масалан, кобра деган илон кўп жойларда азизланади.

— Қайси хизматлари учун? — Иванов унга ишонкирамай тикилди.

— Қилиқлари учун-да.

— Илоннинг қилиғи нима бўларди? — деди Иванов елкасини кисиб.

— Маккорлик билан ёмонлик-да.

— Йўқ, бунақа деманг. Кобра илонлар орасида ҳайвонлар орасидаги арслондай гап, бироқ олижанобликда ундан ўтади. Кобра ўз ўлжасига қора илон ёки чинқироқ илонга ўхшаб панадан ташланмайди. У бамисоли рицарлдай жангга киришади. Бўйнини шишириб, ердан кўтарила бошлайди. Сапчимоқчи бўлса кўзингизга тик қарайди. Онам менга кичкиналигимда айтиб берганди. Босмачилик даврида қишлоғимизда сўққа бош кампир бўлган экан. Ўғиллари қизиллар сафида жанг қиларкан. Уша қари тожик кампир илонларни аврар, капасида доим битта кобра яшаркан. Бир куни ўша қишлоқлик бой тўдаси билан келиб қолибди. Кампир бечорани кападан ташқарига сочидан судраб чиқишибди, паранжисини улоқтириб, бойнинг оёғини ўпасан, деб зўрлашибди. Кампир мағрур аёл экан, ўғилларининг юзини ерга қаратмабди, бойнинг башарасига туфлабди. У эса ёнидан маузерини олиб шартта отиб ташлабди. Босмачилар шундан кейин қишлоқ марказига от қўйишибди. Бадавлат хонадонлардан бирида бой шарафига ош дамланибди. Ҳаммалари ўлгудай ичишибди. Сўнгра бойни ечинтириб, пар тўшакка ётқизишибди. Кечаси бой қандайдир безовталикдан уйғонибди. Кимдир ёнида вишиллаб турганини сезиб аъзойи-бадани музлаб кетибди. Бундай қараса тепасида кобра турганмиш. У: «Илон»!— деб додлаши биланоқ кобра унга ўзини отибди...

— Ёлғонмасми, ишқилиб? — бу сафар гапга диққат билан қулоқ солаётган Семушкин ишонқирамай сўради.

— Ўлай агар! — Горишин шундай дея шарқликларга ўхшаб иккала қўлини кўксига қўйди. — Ундан кейин нима бўлганини эшитинглар. Маст босмачилар то туриб, чироқ ёқиб, нима бўлганини аниқлагунларича кобра ғойиб бўлибди. Улар олдинига ишонишмабди, бойнинг кўзига кайф таъсиридан илон кўринган, дейишибди. Бироқ кўришса бой хириллаб, типирчилаб ётганмиш. «Мени ўша лаънати кампирнинг илони чақди, — дебди у босмачиларга. — Эртага илон уясига ўт қўйинглар»... Босмачилар бой айтганини қилишибди. Ҳувиллаган капага от қўйиб келишиб, ҳар томондан ўт қўйишибди. Ўшалардан иккитаси чеккароққа чиқиб олов ёнишини томоша қилиб турибди, учинчиси эса энди гугурт ёққан экан бўйни музлаб кетгандай бўлибди. Ўгирилиб қараса кобра сапчийман, деб чайқалиб турган экан. Азбароби қўрқканидан бутун қишлоқни бошига кўтаргудай бўлиб додлаб юборибди, бироқ бунинг нафи бўлмабди. Ҳалиги иккитаси то югуриб келгунларича кобранинг қораси ўчибди. Босмачилар шундан кейин фақат бой учун эмас, балки иккита бандит учун ҳам маузерлардан салют беришибди. Капа ёниб кетибди, босмачилар қизиллар якин келишаётганини сезиб қочиб қолишибди. Қариялар эса ўша жойдан ўтишга одамларнинг анчагача юраги бетламай юрди, дейишарди. Кобра қултепага айланган Капани қўриқлаб ётарканда...

Горишин жим қоларкан учувчилардан бирортаси стаканлардаги чойдан ақалли ҳўплаб қўймаганларини кўриб ҳайрон бўлди.

— Ўртоқлар, нектар совиб қолди, — у шундай дея шошапиша чойга қошиқ солиб айлантиришга тушди.

— Совуб қолганига ким айбдор? — Иванов мулойимгина кулди. — Ўзингмасми? Ҳикоянг билан кобрангдай ром қилиб қўйдинг-ку.

Ҳаммалари кулишди, Горишин эса кўзларини юмганича чойдан бир ҳўплаб деди:

— Кобрага боғлиқ яна битта ҳикояни айтиб бераман. Буниси қалтарок.

— Бошлайвер, — деб кўйди Иванов пирожнийга кўл чўзаркан.

— Буниси афсона эмас, — огоҳлантирди Лева.

(Давоми бор).

Жаҳон ойнаси

ЧОРАК АСРЛИ ЮБИЛЕЙ

БУДАПЕШТ. Венгрияда социалистик меҳнат бригадалари ҳаракати бошлангандан бери чорак аср ўтди. Ҳозирги вақтда бу ҳаракатда, бир миллиондан кўпроқ киши қатнашмоқда. Будапештдаги корхоналарнинг ўзидагина кейинги икки йил ичида 3 минг яқин бригада социалистик бригада деган номни олиш ҳуқуқига сазовор бўлди. Венгрияда ҳозир 136 минг меҳнат коллективи «Социализм даврига муносиб ишлаймиз, ўқиймиз ва яшаймиз» деган принципга амал қилиб ишламоқдалар.

(ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ БУЮРТМАЛАРИГА МУВОФИҚ

ПРАГА. Чехословакиянинг Комарно шаҳридаги кемасозлар шу беш йиллида Совет Иттифоқининг буюртмаларига асосан «дарё — денгиз» типидаги бир қанча пассажир кемалари ва юк кемаларини қуряпдилар. Ҳозир бу ерда СССР учун иккита катта пассажир кемаси қурилмоқда. Бу кемалар 400 га қадар йўловчи ташиши мумкин. Шунингдек ҳар бири 2700 тоннагача юк кўтара оладиган транспорт теплоходлари қурилмоқда.

Халқ ҳокимияти ғалабасига қадар Куба балиқчи бошқа мамлакатлардан сотиб олар эди. Ҳозирда замонавий совет техникаси ва кемалари билан жиҳозланган Куба миллий балиқ овлаш флоти Латин Америкасидаги энг йирик флотлардан ҳисобланади. Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган махсус балиқчилик портининг эса Латин Америкасида тенги йўқ.

СУРАТДА: Гаванадаги балиқчилик порти.

Пренса Латина — АПН фотоси.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ, Ленин проспектида.

Ю. Трубников фотоси.

Бош конструкторга бағишланади

Мамлакатнинг илмий жамоатчилиги амалий космонавтика асосчиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати С. П. Королев (1907 йил 12/1 — 1966 йил 14/1) туғилган кунининг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Фан ва техниканинг буюк галабаларидан бири— инсон космик фазони ўзлаштириш даврини кашф этганлиги унинг номи билан боғлангандир.

СССР Фанлар академияси дастлабки ракета-космик системаларнинг бош конструктори хотирасига бағишланган тадбирлар планини ишлаб чиқди. С. П. Королевнинг илмий меросини умумлаштириш юзасидан махсус комиссия тузишга ва унинг танланган асарларини нашр этишга қарор қилинди. Академикнинг юрти бўлган Житомирдаги, у узоқ йиллар яшаган ва ишлаган Москвадаги мемориал музейларда, шунингдек, Бойқўнғир космодромида ана шу шонли санага бағишлаб янги кўргазмалар ташкил этиш мўлжаллаб қўйилди. Бу кўргазмалар совет фани ва техникасининг ютуқларини космик фазони биргаликда ўрганиш ва ўзлаштириш юзасидан мамлакатнинг ва халқларнинг кучгайрати бирлаштирилаётганлигини акс эттиради.

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги «Космос» павильонида, Звёздний шаҳарчасида, Калугадаги К. Э. Циолковский номли космонавтика тарихи музейида экспозициялар янгиланмоқда ва кенгайтирилмоқда. Уларда Ватан космонавтикасини такомиллаштириш, КПСС XXV съезди қарорлари асосида уни янада ривожлантириш масалалари кенг акс эттирилади. Бутуниттифоқ «Билим» жамияти уюштираётган лекциялар туркуми ана шу мавзуга бағишланади. Снёсий адабиёт нашриёти, «Новости» матбуот агентлиги, «Знание», «Машиностроение» ва бошқа нашриётлар ракета ва космик техника тараққиётининг босқичларини, ишларнинг илмий ва хўжалик ҳаёти учун космосни ўзлаштиришнинг аҳамиятини кўрсатиб берувчи китобларни босмадан чиқарадилар.

Мамлакат экранларида, театрларда ана шу унутилмас кунларда инсониятга коинот сари йўл очган олимлар ва космонавтларнинг жасоратлари тўғрисида ҳикоя қилувчи, бадиий ва ҳужжатли фильмлар ҳамда спектакллар кўрсатилади. Мамлакатнинг бир қанча олий ўқув юртларида студентларнинг илмий конференциялари ўтказилади.

12 январь — С. П. Королев туғилган кунда Москвадаги олимлар уйида унинг ҳаёти, илмий ва конструкторлик фаолиятига бағишланган илмий сессия очилади. Сессияни СССР Фанлар академияси, табиёт ва техника тарихи институти, шунингдек, бошқа илмий ва жамоат ташкилотлари ўтказади.

А. РОМАНОВ,
ТАСС обзорчиси.

● СПОРТ ● СПОРТ

ПЕТРОСЯН ВА ПОРТИШ КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШАДИ

Тигран Петросян ва венгриялик Лайош Портиш шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун кураш давом эттиришади. Улар Италиянинг Варес шаҳрида ниҳоясига етган қўшимча матч-турнирда дастлабки икки ўринни эгаллаб ана шу ҳуқуқни қўлга киритдилар.

Матч-турнир тўрт даврадан иборат бўлди. Петросян жами 4,5 очко тўплади (унинг Портиш билан сўнгги учрашуви дуранг натижа билан тугади). Портиш 4 очко ва Таль 3,5 очко тўплади.

●

ОЛИЙ ЛИГАДА

24 ва 25 октябрь кунлари олий лига командалари футбол бўйича СССР чемпионатининг навбатдаги тур учрашувларини ўтказадилар. Энг йирик ҳисоб Ленинград шаҳрида қайд қилинди. Бу ерда маҳаллий «Зенит» футболчилари «Арарат» командаси дарвозасига жавобсиз беш тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Чемпионат пешқадами — «Торпедо» Москвада Донецкнинг «Шахтёр» командаси устидан 1:0 ҳисобида галаба қозонди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» (Минск) — «Заря» (Ворошиловград) — 1:2, «Карпати» (Львов) — «Динамо» (Киев) —2:2, «Динамо» (Москва) — «Днепр» (Днепропетровск)— 3:0.

●

ОХИРГИ ЎРИНДА

Биринчи лига командалари хоккей бўйича XXXI СССР чемпионатининг ўнинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Ҳозирча турнирда 10 тадан учрашув ўтказиб, бирорта ҳам очко йўқотмаган «Автомобилист» ва «Сибирь» командалари пешқадамлик қилишмоқда. Улар 20 тадан очко тўпладилар. Ўн учрашувнинг фақат биттасида дуранг ўйналган Тошкентнинг «Бинокор» хоккейчилари 1 очко билан турнирда охирги ўринни эгаллаб туришибди.

ЭКСПОНАТЛАР ЛЕНИНГРАДГА ЮБОРИЛАДИ

Ленинграддаги Улуғ Октябрь социалистик революцияси давлат музейининг илмий экспедицияси Сирдарё областида ўз ишини тамомлади. Олимлар Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб музей тайёрлаётган махсус экспозиция учун Мирзачўлни ўзлаштириш тарихига доир материалларни тўплашди.

Тўпланган материаллар орасида фотосуратлар, архив ҳужжатлари, турли мақолалар бор. Улар Мирзачўлнинг бугунги равнақини бошлаб берган ва Ленин имзолаган тарихий декретнинг амалга оширилиши тўғрисида ҳикоя қилади.

(ЎзТАГ).

«Диққат, йўлда болалар»

Бу йил ҳаракати белгиси асосан йўлнинг болалар тез-тез учрайдиган қисмига— мактаб ва болалар боғчалари яқинида қўйилади. Транспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчилар йўлнинг шу белги қўйилган қисмида ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари, тезликни пасайтиришлари зарур. Ана шунда ҳаракат хавфсизлиги таъминланган бўлади.

Ҳаммага маълумки яқинда Бутуниттифоқ ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бўлиб ўтди. Кўрик натижасидан шу нарса аён бўлдики, транспорт ҳайдовчилари ўртасида масъулият ошиб бормоқда. Транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,5 процент камайганлиги буни равшан кўрсатиб турибди. Фақат ҳайдовчилар эмас, йўловчилар ҳам йўл қоидаларига тўла амал қилганларида бу борада янада яхши натижаларга эришиш мумкин эди.

Бу соҳада катталарга эътироз билдириш қийин. Шундай бўлса ҳам уларга ўз фарзандларига кўча ҳаракати қоидаларини ўргатишда изчиллик ва фаоллик кўрсатмаётганликларини айтиб ўтиш керак бўлади. Фактларга мурожаат қилайлик. Шаҳримизда болалар ўртасида транспортдан шикастланиш ҳоллари ўтган йилга нисбатан 4 тага кўпайди. Рўй бераётган кўнгилсиз воқеаларнинг кўпчилигига мактаб ўқувчилари сабабчи бўлишмоқда.

Болаларни кўча ҳаракати қоидалари билан таништириш, уларни интизомли йўловчи қилиб тарбиялаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бунга юздан ортиқ автохўжалик ишчи ва хизматчиларининг мактаб ва мактабгача болалар муассасаларига кўрсатаётган оталиқ ёрдамини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу хўжалик вакиллари ўз оталиқларидаги мактаб ва боғчаларда «Ҳаракат хавфсизлиги бурчаги» ташкил қилиш, болаларни кўча ҳаракати қоидалари билан таништиришда педагогика коллективларга яқиндан ёрдам беришмоқда. Улар Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда ўқувчилар томонидан йўл қўйилган ҳар бир хатони атрофлича таҳлил қилиб, бошқа йўл тасодифларининг олдини олишмоқда.

Октябрь, Чилонзор, Ҳамза ва Куйбишев районларидаги ўрта мактаб ўқувчилари орасида кўча ҳаракати қоидаларини бузувчилар кўп учраяпти. Ҳодисалар транспорт ҳайдовчилари, милиция ходимларига қўшимча ташвиш келтириш билан бирга болаларнинг саломатлигига ҳам катта зарар етказмоқда. Масалан, Октябрь районида шу йилнинг ўтган даврида 68 бола бахтсиз ҳодисага учради. Воқеаларни таҳлил қилиш пайтида шу нарса маълум бўлдики, райондаги баъзи мактабларда кўча ҳаракати қоидаларини ўқитиш ва ўргатиш ишлари қониқарсиз ташкил этилган. Жумладан, 115-, 42-, 10-ва 38-мактабларда шу пайтгача «Ёш инспекторлар отряди» тузилмаган. Бинобарин, бу мактабларда 1973 йилда Ўзбекистон Ички ишлар министрлиги, Ўзбекистон Маориф министрлиги ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳамкорликда чиқарган «Ёш инспекторлар отрядини тузиш тўғрисидаги қарорни амалга ошириш соҳасида жиддий иш олиб борилмаяпти, деб айтиш мумкин.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозим. Болалар ҳар соҳада катталардан сабоқ олишади. Шундай экан ота-оналар фарзандлари билан кўчада юрганда йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишлари лозим. Дам олиш кунларида болалар билан йўл ҳаракати қоидаларига оид турли қизиқарли ўйинлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Агар 7 ёшли Рома Сулеймановни ота-онаси у билан ана шундай машғулотлар ўтказиб турганида бахтсиз ҳодиса юз бермаган бўлар эди. Уни Педагогический кўчасидаги 33-уй олдида троллейбус шикастлантирди. Бу кўнгилсиз воқеани ўз кўзи билан кўрган гувоҳлардан бири Нина Малишева қуйидагича кўрсатма берди:

Мен троллейбусда кетаётган эдим. Бекатдан 100 метрлар чамаси кўзғалган троллейбус секин бораётган эди. Ўнг томондаги тротуардан бола ҳеч каққа қарамай кўчани кесиб ўтмоқчи бўлди. Натижада фалокат юз берди.

Болаларнинг транспортдан шикастланишлари олдини олиш учун ҳамма баравар қайғуриши керак. Мактабларнинг педагогик коллективлари, ота-оналар ва йўл транспорти ходимлари ҳамкорликда ишлаганларгина бу соҳада сезиларли ютуқларга эришиш мумкин.

Б. НОСИРОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси инспектори.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—27|X да **Чио-Чио-Сан**, 28|X да **Жизель**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27|X да **Тинмасин соз**, 28|X да **Ун саккиз ёшлигим** (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Эмиль КИО раҳбарлигидаги йирик иллюзион ревю гастроллари** (19.30).

КИНО

27 ОКТЯБРДА

Қирол Нью-Йоркда — «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА», «НУКУС» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кечқурун).

Алиса энди бу ерда яшамайди — «МОСКВА» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун).

Жаҳон бўйлаб 80 кун — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кечқурун).

Робин Гуднинг камон ёйлари— «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Голиб— НАВОИЙ номли (кечқурун).

Раиснинг ўғли — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Халқ романи — «ДРУЖБА (тоқ соатларда).

28 ОКТЯБРДА

Қирол Нью-Йоркда — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 12, 13, 17, 18, 19, 21), «ЧАЙКА» (14, 16, 20, 21.45), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «МОСКВА» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА», «НУКУС» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кечқурун).

Жаҳон бўйлаб 80 кун — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (11.30, 16), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Робин Гуднинг қамон ёйлари —«ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Сангам— НАВОИЙ номли (ўзбек тилида).

Раиснинг ўғли— ҲАМЗА номли (тоқ соатларда)

Халқ романи — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда)

Ғалати қиз — «ҚОЗОҒИСТОН» (14, 15, 20).

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ—ГАЗ!

ИСИТИШ МАВСУМИ БОШЛАНИШИГА ОЗГИНА ВАҚТ ҚОЛДИ.

Газ приборларда ёниш пайтида ҳосил бўладиган қурумларни ҳавога чиқариб юборадиган мўрконлар бор. Газ приборларидан хавфсиз фойдаланиш мақсадида мўрконларнинг техник ҳолатини ва печларнинг ишга яроқлигини олдиндан текшириб кўриш лозим.



ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Мўрконларни барвақт текшириб кўринг, печларни ишлашга шай қилиб қўйинг, мўрконларнинг тузатилганлиги ҳақидаги актларни Тошкент шаҳар газ бошқармасининг район эксплуатация идораларига (райгаз)

1976 ЙИЛНИНГ 1 НОЯБРИГА ҚАДАР ТАҚДИМ ЭТИНГИЗ

УНУТМАНГ! Мўрнонлар ва иситгичларнинг техникавий ҳолати ҳақидаги актларсиз газ приборлари уланмайди ва уларни эксплуатация қилиш

ҚАТЪИЙ ТАҚИҚЛАНАДИ

ДПО вакилини чақириш учун Красновосточная кўчаси, 114-уйга ёки уларнинг турар жойларингиз бўйича район-эксплуатация (хизмати)даги вакилларига учрашиш лозим.

ГАЗ ПРИБОРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИҒА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛИНГ!

ТЎТИН ТОРТАДИГАН МЎРКОНЛАРНИНГ БЎЛМАСЛИГИ ЁКИ УЛАРНИНГ ИШЛАМАСЛИГИ ХАВФЛИДИР.

«ТАШГАЗ» бошқармаси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг «ОТДЕЛСТРОЙ» трестида ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

158-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1976—77 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БУЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ: суворчилар, паркетчилар, пардозловчи-плитачилар, (ўқиш муддати — 1-йил), пардозловчи-плитачи-мозаикачилар, қурилиш дурадгорлари (2 йил), бўёқчилар (1—2 йил), дурадгорлар, суворчилар (6 ой).

Билим юртига 8—10 синф ҳажмидаги маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даври иш стажига ҳисобланади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга қабул қилинганлар шаҳар прописка билан таъминланадилар ва уч маҳал бепул овқат, форма ва махсус иш кийимлари билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар 33 процент иш ҳақи оладилар.

Область ва районлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишни тугатганлар техникум ва институтларга кираётганда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан справка, соғлиги ҳақида справка, характеристика, ҳарбий билет ёки рўйхатда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 6 дона 3X4 см. ҳажмдаги фотосурат.

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Октябрь район, «Халқлар дўстлиги»проспекти, Қибрай проезди, 54-уй (14, 13, 11, 38, 48, 70, 71-автобуслар, 2, 6, 7, 14-троллейбусларнинг «Биринчи тўгруқхона» бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ,
ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ, МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ

31-ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1976—1977 ўқув йилига

қуйидаги ихтисосликлар бўйича:

8-синф ҳажмида маълумотли 15, 16, 17 ёшдаги йигит ва қизлар учун

ҚУШИМЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

темир йўл транспортидаги кўтарма-транспорт машиналари ва механизмлари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича слесарь-механик, тепловозинг механик қисмлари ремонти бўйича слесарь, тепловознинг электр қисми ремонти бўйича слесарь, тепловоз машинистининг ёрдамчиси, СЦВ электр монтёри, металларни совуқ усулда ишлаш билан қириш бўйича токарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик,

Ўқиш муддати— 3 йил.

Билим юртини битирганларга ўрта маълумот ва махсус техника таълими маълумоти ҳақида диплом, билим юртини аъло баҳолар билан тугатганларга олий ўқув юртларига конкурсдан ташқари кириш ҳуқуқини берадиган имтиёз берилади.

Ўқувчилар ўқиш давомида Совет Армияси сафларига чақирилишдан озод қилинадилар ва билим юртини битирганларидан кейин уларга бир йил узайтирилган муддат берилади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртига қабул қилинганлар кийим-бош ва бепул овқат билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганлар темир йўл транспорти ишчилари учун берилган барча имтиёзлардан, шунингдек, Совет Иттифоқининг исталган пунктига бориш учун бепул темир йўл билетидан фойдаланадилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: паспорт (ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома), маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси), справкалар, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ариза, автобиография, 8 та фотосурат (3x4 см.), ўқиш жойидан характеристика, медицина справкаси.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Слоним массиви, (26, 23, 15-автобусларнинг «Самарқанд кўчаси» бекати, 3, 23-трамвайларнинг «Рисовая кўчаси» бекати.).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг «ОТДЕЛСТРОЙ» трестида ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

158-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1976—77 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БУЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ: суворчилар, паркетчилар, пардозловчи-плитачилар, (ўқиш муддати — 1-йил), пардозловчи-плитачи-мозаикачилар, қурилиш дурадгорлари (2 йил), бўёқчилар (1—2 йил), дурадгорлар, суворчилар (6 ой).

Билим юртига 8—10 синф ҳажмидаги маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даври иш стажига ҳисобланади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга қабул қилинганлар шаҳар прописка билан таъминланадилар ва уч маҳал бепул овқат, форма ва махсус иш кийимлари билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар 33 процент иш ҳақи оладилар.

Область ва районлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишни тугатганлар техникум ва институтларга кираётганда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан справка, соғлиги ҳақида справка, характеристика, ҳарбий билет ёки рўйхатда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 6 дона 3X4 см. ҳажмдаги фотосурат.

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Октябрь район, «Халқлар дўстлиги»проспекти, Қибрай проезди, 54-уй (14, 13, 11, 38, 48, 70, 71-автобуслар, 2, 6, 7, 14-троллейбусларнинг «Биринчи тўгруқхона» бекати).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

27 ОКТЯБРЬ—ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 «Горничилар, қаердасиз». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Ўйнаб, қўшиқ айтамиз». 19.30 «Сўз— олимларга». СССР Олий Советининг депутати, академик Р. В. Хохлов сўзи. 19.45 «Жаҳон халқларининг ижоди». 20.15 «Спортлото» тиражи. 20.25 «Ливанинг ташвиш ва умидлари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.55 «Бу қулоқсиз ўғиллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси, 1-серия. Автор — В. Чичков. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Останкино концерт студиясида. С. М. Киров номли Ленинград академик опера ва балет театри солистларининг концерти. 00.10 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнеснининг программаси

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 Болалар учун. Мультфильм. 18.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Қизил галстук». Телевизион журнал. 19.05 Ленин комсомоли туғилган кунга. «Сенинг орденларинг, комсомол». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 3-серия (рус.). 19.30 «КПСС XXV съезди: социал-иқтисодий, снёсий ва назарий проблемалар». 19.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 20.00 «Ўзбекистон—Озарбайжон мусобақалашмоқда» (рус.). 20.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор»— «Кузбасс» (Кемерово). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 2-тайм. 21.15 «Ахборот» информацион программаси. 21.35 «Ёзувчи — пахтакорларга». Кўрсатувни ёзувчи Ҳамид Гулом олиб боради. 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Пахтазор—мардлар майдони». 22.45 «Романтика» телевизион театри. Н. Мирошниченко. «Оқ қушни эҳтиётланг!» 3-қисм. 00.20 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 Болалар учун фильм. «Қандай қилиб бола опасини топди». 19.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 19.45 Ўқитувчи экрани. 20.15 Пахта йиғим-теримида қатнашаётганлар учун концерт. (рус.). 20.45 Тошкент янгиликлари. 21.00 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 21.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика (рус.).

28 ОКТЯБРЬ— ПАЯШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Горничилар, қаердасиз!». 11.15 «Бу қулоқсиз ўғиллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.20 «Л. Кесоглу куйлайди». 13.00 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 15.50 «Социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги». Югославия Социалистик Федератив Республикаси. 16.20 А. Голубева. «Ўржумлиқ бола». 16.50 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. Эндшпиль. 17.20 «Оилавий суҳбат». 17.50 Ереван политехника институти камер оркестрининг концерти. 18.20 «Китоб, давр, китобхон». 18.50 «Комсомолнинг Октябрь вахтаси». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қуёш акси бор». 19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Халқ фаровонлигини ошириш партия иқтисодий сиёсатининг мақсади». 20.00 Омск Давлат рус халқ хорининг концерти. 20.30 «Сўз СССР Олий Советининг депутатларига». 20.45 «Бу қулоқсиз ўғиллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Ҳужжатли экран». Кўрсатувни шоир Р. Рождественский олиб боради. 23.45 «Э. Москвитина чаладан» (арфа). 00.05 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнеснининг программаси

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «Менинг катта акам—комсомол». Болалар учун адабий-музикали композиция. 19.00 Ленин комсомоли туғилган кунга. «Сенинг орденларинг, комсомол». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 4-серия (рус.). 19.25 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.40 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!», «Қишлоқларимиз жамоли». 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани». Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон телевиденияларининг биргалиқдаги кўрсатуви (рус.). 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Пахтазор— мардлар майдони» (рус.). 22.45 «Мусиқа жавони». 00.20 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг кинолаштириш бошқармаси «Дружба» кинотеатрининг директори А. Х. Ҳакимова ва «Қозоғистон» кинотеатрининг директори М. А. Ҳакимовага уларнинг ўғли **Анвар ҲАКИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, ТОШКЕНТ, ЛЕНИН ПРОСПЕКТИ ,41-УЙ.

Р—02688.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ИНДЕКС 64579.

Нашр В—3223.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.